

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АБДУЛЛАЕВ ЎКТАМЖОН ШЕРАЛИЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ  
ТИЗИМИДАГИ ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР  
(1991-2018 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Абдуллаев Ўктамжон Шералиевич**

Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш тизимидаги ютуқ ва муаммолар  
(1991-2018 йй.)..... 3

**Абдуллаев Уктамжон Шералиевич**

Достижения и проблемы в системе подготовки педагогических кадров  
в Узбекистане (1991-2018 гг.)..... 25

**Abdullayev Uktamjon Sheraliyevich**

Achievements and problems in the system of teacher training in Uzbekistan  
(1991-2018)..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АБДУЛЛАЕВ ЎКТАМЖОН ШЕРАЛИЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ  
ТИЗИМИДАГИ ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР  
(1991-2018 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.3.PhD/Ғар 295 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Эргашева Юлдуз Алимовна  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

Чориев Аҳмаджон Хуваевич  
тарих фанлари доктори, профессор

Холиқова Раҳбар Эргашевна  
тарих фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2021. Ғар.70.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "24" сентябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 201 хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (65 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "24" 09 куни таркатилди (2021 йил "14" 09 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Б.Ж. Эшов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор

Н.Н. Ражабова  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

М.Х. Тўраева  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси муовини,  
т.ф.н., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни ортишига замин яратмоқда. Давлатлар меҳнат бозори эҳтиёжларини қондириш мақсадида касбий жиҳатдан янада кучлироқ йўналтирилган таълим турларини шакллантириш йўлидан бориб, таълимни ривожлантиришга модернизациялашув ва келажакни белгилаб берувчи омил сифатида қарамоқда. Жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар, хусусан, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ташаббуси билан олий таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида ишлаб чиқиётган стратегик дастурлар ҳамда конструктив мулоқот соҳани амалий жиҳатдан изчил ривожланишига замин яратмоқда.

Дунё миқёсида таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш соҳасини ислоҳ қилиш, ёшларга таълим-тарбия беришда инновацион усулларини жорий этиш, таълим тизимида стратегик йўналишларни аниқлаш, фан ва таълим интеграцияси, давлат ва хусусий таълим ўртасидаги рақобат каби мавзулар доирасида илмий ишлар олиб борилмоқда. Мазкур жараёнда кадрлар тайёрлаш бўйича давлат дастурларининг амалиётга татбиғи, педагогик кадрларнинг касбий билими, кўникмаси ва маҳоратини узлуксиз янгиллаб бориш, ўқитишнинг замонавий инновацион методларини, ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш масалаларига бағишланган тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Мустақилликнинг сўнгги йилларида республикада сиёсий-иқтисодий ҳаётни ривожлантириш баробарида педагогик кадрлар тайёрлаш ишига давлат аҳамиятига молик вазифалардан бири сифатида қаралиб, ушбу йўналишдаги олий таълим муассасаларида ўтган давр мобайнида замон талабига мувофиқ ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилмоқда. “Бизга миқдор эмас, сифат керак. Бунга эришиш учун эса хориж тажрибасини яхшилаб ўрганиш зарур. Қайси давлат кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратса, ўша ютади. Илмий асосланган тажриба асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш энг муҳим вазифамиздир”<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, бу жараёнларни чуқур ўрганиш ва олий таълим тизими ривожига хизмат қиладиган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги кунда энг зарур муаммолардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сон “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

<sup>1</sup> Инновацион ғояларни илм-фан ва саноатга кенг татбиқ этиш – ислохотлар самарадорлигининг бош мезони. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 май куни пойтахтимизнинг Олмазор туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди // Халқ сўзи, 2019, 25 май. – № 107 (7337)

тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлаштириш ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуга доир илмий адабиётларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади: 1) мустақиллик даврида яратилган илмий ишлар; 2) хорижий нашрлар.

Мустақилликнинг илк даврида педагогик кадрлар тайёрлаш жараёни, бу соҳанинг тарихига бағишланган илмий ишлар асосан илмий мақола кўринишида нашр этилди<sup>2</sup>.

1997 йилда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши билан мавзуга доир илмий ишлар кўлами бир қадар кўпайиши кузатилади<sup>3</sup>. А. Чориев, Б. Хасанов, З. Исмоилова, М. Жумаев, Ф. Тожиева, У. Назаровларнинг ишларида Ўзбекистонда педагог кадрлар тайёрлаш жараёни ва бу соҳанинг тарихи, ўқитувчи масъулияти, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш муаммолари хусусида фикр юритилади.

Шу билан бирга бу даврда таълим тизими ислохотлари, педагогик кадрлар тайёрлаш муаммолари, Республика олий таълим муассасалари тарихига

---

<sup>2</sup> Мирзахмедов М., Миршарипов С. Ўқитувчи тайёрлашнинг муаммолари // Халқ таълими. – 1993. – №4-5. – Б. 18-20; Чориев Т. Ўзбекистонда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тарихидан // Халқ таълими. – 1995. – №7-8. – Б. 115-119; Холбоев С. ва бошқ. ТошДУ – илм ва маърифат маскани. – Тошкент., 1995; Эргашев Қ. Ўқитувчини тайёрлаш муаммолари // Халқ таълими. – 1996. – №3. – Б. 45-47; Чориев А. Миллий ўқитувчилик тарихига бир назар // Халқ таълими. – 1996. – №3. – Б. 47-50; Ишмухамедов Р. Педагогик маҳоратни шакллантиришнинг мазмуни ва йўллари // Халқ таълими. – 1996. – №5. – Б. 50-52; Улуғов А. Муаллимлик масъулияти: Касбим-фахрим // Халқ таълими. – 1996. – №6. – Б. 96-98.

<sup>3</sup> Чориев А. Кадрлар – таракқиёт омили: (Ўқитувчи кадрлар тайёрлашни яхшилаш ҳақида) // Иқтисод ва ҳисобот. – 1997. – №7-8. – Б. 66-67; Хасанов Б. Миллий ўқитувчи кадрлар тайёрлаш: янги ва эски мактаблар // Халқ таълими. – 1998. – № 6. – Б. 65-70; Жумаев М. Жамият ва ўқитувчи масъулияти: Миллий таълим дастури амалда // Мулоқот. – 2000. – №3. – Б. 43-44; Каримов А. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида янгича ёндашув // Халқ таълими. – 2001. – №3. – Б. 41-44; Халимметова Р. Миллий педагогик кадрлар тайёрлаш сиёсати // Жамият ва бошқарув. – 2003. – №1. – Б. 43; Йўлдошев Ҳ. Келдиёров Р. Ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари // Халқ таълими. – 2003. – №3. – Б. 32-36; Толипова Ж. Педагогик кадрлар тайёрлашда лойиҳалаш технологияси // Халқ таълими. – 2003. – №3. – Б. 90-92; Халимметова Р. Кадрлар тайёрлаш давлат сиёсатида халқаро ҳамкорлик // Халқ таълими. – 2003. – №5. – Б. 37-40; Исломов З. Бугун янгича педагоглар зарур // Мулоқот. – 2003. – №6. – Б. 38-39; Тожиева Ф. Ўқитувчиларга қўйиладиган малака талаблари тўғрисида // Халқ таълими. – 2008. – №4. – Б. 33-36; Боймуродова Г, Тошева Н. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик касбини шакллантириш // Халқ таълими. – 2008. – №4. – Б. 40-43; Эркабоева Н.Ш. Бўлажак ўқитувчини ижтимоий-педагогик фаолиятига тайёрлашнинг назарий асослари // Халқ таълими. – 2010. – №3. – Б. 22-26; Назаров У. Бўлажак ўқитувчиларни педагогик амалиёт жараёнида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга тайёрлаш // Халқ таълими. – 2010. – №5. – Б. 20-24; Ҳамидов М.Т. Кадрлар тайёрлашдаги анъаналар ва янгиликлар: (Таълим, ислохот, ижтимоий ҳаёт // Kasb-hunar ta'limi. – 2011. – №1. – Б. 2-5. ва бошқалар.

бағишланган рисола ва монографиялар ҳам яратилди<sup>4</sup>. Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари тарихи қисман бўлсада юқорида таъкидланган ишларда ўз аксини топди. Айниқса, С. Нишонов, Ҳ. Ҳайдаров, Б. Қодиров, Б. Махмудов, Ж. Йўлдашев, Р. Шамсутдинов, С. Турсунов, Н. Эгамов, Т. Содиков каби муаллифлар ўз асарларида муайян олий таълим муассасасининг тарихини ёритиб берганлиги билан қимматлидир. Бу даврда қатор диссертация ишлари ҳам ҳимоя қилинди<sup>5</sup>. А. Маврулов, Қ. Эргашев,

<sup>4</sup> Эжиниез атиндағы Нокис мемлекетлик педагогикалық институтына 60 жыл. Нокис: “Билим” баспасы, 1994; Нишонов С., Ҳайдаров Ҳ. Жиззахнинг тўнғич олий ўқув юрти. – Жиззах, 1994; Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1996; Қодиров Б. Таълим тизимидаги ислохотлар, мақсад ва йўналишлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999; Махмудов Б. Қашқадарё халқ таълимининг тараккиёт йўли. – Қарши: Насаф, 1999; Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Непрерывное образование в Национальной модели подготовки кадров, – Ташкент: Маърифат, 1999; Национальная модели подготовки кадров: влияние на развитие общества. – Ташкент: Университет, 1999; Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. – Тошкент: Фан, 1999; Йўлдашев Ж. Таълим янгиланиш йўлида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000; Содействие реформированию системы непрерывного образования Республики Узбекистан. – Ташкент: Молия, 2000; Абдуллаев Ю. Высшая школа за рубежом: организация, функции и тенденции развития: Краткий справочник. – Самарканд, 2000; Жўраев Н., Файзуллаев Т. Истиқлол ва тарихий жараён. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000; Самарқандда олий таълим – мадрасаи олия – университети тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2001; Национальная модель и программа по подготовке кадров-достижение и результат независимости Узбекистана. – Ташкент: Маърифат, 2001; Сафо Очил. Ўзбекистон педагог олимлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004; Нокис мемлекетлик педагогикалық институты (хужжатлар ҳам жылнамалар). – Нокис: Qaraqalpaqstan, 2004; Мўътабар зиё маскани (1918-2008). – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт, 2008; Муқимий номидаги Кўкон давлат педагогика институты олимлари. Институтнинг 80-йиллигига бағишланган библиографик маълумотнома. – Тошкент: Фан ва технология нашриёти, 2009; Теберик билим дергайы. Эжиниез атиндағы Нокис мемлекетлик педагогикалық институтына 75 жыл – Нокис: Qaraqalpaqstan, 2010; Navoiy davlat pedagogika instituti. – Navoiy, 2011; Содиков Т., Расулов Т., Бегматова Н. Университет тарихидан лаҳвалар. 1-2-қисм. – Қарши, 2013; Тунғыш жоқары билим ҳем илим дергайы (Эжиниез атиндағы Нокис мемлекетлик педагогикалық институтына 80 жыл). – Нокис: Qaraqalpaqstan, 2014; Шамсутдинов Р. Бобур номидаги Андижон давлат университетининг тарихий илдилари, ташкил топиши ва фаолияти. – Тошкент: Шарқ, 2014; Фарғона давлат университети. Тарих ва юксалиш йиллари. – Фарғона, 2015; Ҳайдаров М.Э., Турсунов С.Н. Термиз давлат университетининг шонли тарихий йўли: юксалиши ва салоҳияти. Биринчи қисм. – Термиз, 2016; Бухоро давлат университети. Иккинчи китоб. Илм ва таълим фидойилари (Биографик маълумотнома). – Бухоро, 2016; Эгамов Н., Содиков Т. Жануб жавоҳири. – Тошкент: Akademnashr, 2016; Истиқлол ва СамДУ. – Самарқанд, 2017 ва бошқалар.

<sup>5</sup> Маврулов А.А. Культура Узбекистана на современном этапе: общее состояние. Проблемы. Тенденции развития (середине 70-х – 1990 гг.). – Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент: 1993. 31 с. Кувватов Н.Б. Подготовка и воспитание педагогических кадров в Узбекистане: опыт и проблеме (1980-1990 гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1994; Халикова Р.Э. Развитие высшего исторического образования и науке в Узбекистане (на примере исторического факультета ТашГУ). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент: 1995; Эргашев К. Развития общеобразовательной школы в Узбекистане. 70-е – 90-е гг: Проблемы и тенденции. – Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент: 1996. -30 с; Эргашева Ю. Культура Узбекистана: состояние, тенденции и проблемы развития (50-60-е годы). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1998; Чариев А. Народное образование и подготовка педагогических кадров в Узбекистане в условиях советского тоталитаризма (противоречия между системами традиционно национальной и советской.: Автореф. дисс. докт. ист. наук. Т., 1998; Каримов Р. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти мониторингини таъминланишининг педагогик асослари. – Педагог. фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент: 2006; Васиева Д.И. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда университет таълимининг шаклланиши ва ривожланиши: тажриба ва муаммолар (1991-2001 йй): Тарих фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2008; Ҳамидов Ж.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси.: Педагог. фан. бўйича докторлик (DSc) дисс... автореферати. – Тошкент, 2017; Каримов К.А. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида ахборот-таълим муҳитини такомиллаштириш (касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш мисолида): Педагог. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2018; Қахорова Д.С. Умумтаълим мактабларида инклюзив таълимнинг педагогик-психологик жиҳатларини такомиллаштириш: Педагог. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Самарқанд, 2019; Боймуродов Ш.Т. Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўзгаришлар (1991-2016 йй.: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Тошкент, 2020; Худайбердиева Н.А. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.: Педагог. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореферати. – Чирчиқ, 2020 ва бошқалар.

Ю. Эргашева, А. Чориев ва бошқаларнинг диссертациялари шулар жумласидандир. Муаллифлар ўз тадқиқотларида таълимнинг турли даврлардаги ва турли босқичлари ҳолатини бирламчи манбалар ёрдамида очиб беришга ҳаракат қилган. Аммо юқорида таъкидланган диссертацияларнинг бирортасида мустақиллик даври педагогик кадрлар тайёрлаш масаласи тадқиқот объекти сифатида олинмаган.

Иккинчи гуруҳга киритилган ишлар хориж тадқиқотчилари ҳисобига тўғри келади<sup>6</sup>. Бу мавзуда айниқса, Россия тадқиқотчиларининг кўпгина ишлари эълон қилинди. В.А. Бордовский, В.А. Болотов, М.В. Богуславский, П.Е. Белозерцев, А.Н. Джурицкий, Э. Анашкин каби тадқиқотчиларнинг ишларида педагогик кадрлар тайёрлаш жараёни асослаб берилди.

Хуллас, Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнини тадқиқ этиш борасида жиддий изланишлар олиб борилиши натижасида мавзу тарихшунослиги хилма-хил мазмундаги адабиётлар билан бойиди. Тадқиқотларда давр руҳи ўз аксини топди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-1-173 “Ёшларни умуммиллий кадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мустақиллик йилларида Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш иши тарихини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистонда олий таълим соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини очиб бериш;

мустақилликнинг дастлабки йилларида педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида амалга оширилган ислохотларни таҳлил этиш;

педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишларнинг йўлга қўйилишини асослаш;

таълим муассасаларида олиб борилган маънавий-маърифий тадбирлар ва уларнинг моҳиятини кўрсатиб бериш;

---

<sup>6</sup> Бордовский В.А. Инновационные процессы в современной системе высшего педагогического образования. – СПб.: Изд-во РГПУ, 1998; Болотов В.А. Педагогическое образование России в условиях социальных перемен: принципы, технологии, управление. – Волгоград: Перемена, 2001; Богуславский М.В. XX век Российского образования. – М.: ПЕР СЭ, 2002; Белозерцев П.Е. Образование: историко-культурный феномен. – СПб.: Юрид. центр Пресс, 2004; Джурицкий А.Н. История педагогика и образования. – М., 2004; Торосян В.Г. История образования и педагогической мысли. – М.: Изд-во ВЛАДОС-ПРЕСС. – 2006; Киселев Г.М. Информационные технологии в педагогическом образовании. – М.: 2012; Antonenko Oksana. To wards a new cooperatives security model for Central Asia // Центральная Азия XXI века: сотрудничество, партнерство и диалог. Материалы международной конференции (13-15 май, 2003 г. Ташкент). – Ташкент: “Шарк”, 2004. – Б. 61-67; Анашкин Э. Становление и развитие системы подготовки кадров преподавателей для педагогических вузов и средней школы на Урале (1920-1941гг.). – Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Челябинск: 2010; Nadir Devlet. Ethnicity and power: relations between the Central Asian states. // [http://sam.gov.tr/wp-content/uploads/2012/02/Nadir Devlet. pdf](http://sam.gov.tr/wp-content/uploads/2012/02/Nadir%20Devlet.pdf) Электрон ресурс; Adrienne L. Edgar. “Identities, Communities, and Nations in Central Asia: A Historical Perspective”. 10/29/2001 panel: Edgar presentation. // <http://socrates.berkeley.edu/~iseees/>.

педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларининг йўлга қўйилишини очиб бериш;

иктидорли талабалар билан ишлаш ва унинг натижаларини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган педагогик кадрлар тайёрлаш масаласи белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мустақиллик йилларида республикада кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ўзгаришлар, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда объективлик, тизимлилик, даврийлик ва тарихий-манتيқий, илмийлик, қиёсий, оғзаки усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

1990-йиллар ўрталаригача республикадаги иқтисодий қийинчиликлар ва таълим соҳасига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг танқислиги натижасида олий ўқув юртларида талабалар сонининг қисқариб борганлиги ҳамда энг қуйи нуқтаси 1997-1998 ўқув йилига тўғри келганлиги далилланган;

мустақилликнинг дастлабки йилларида умумтаълим мактаблари сонининг йилдан-йилга ортиб бориши жараёнида олий таълим учун квоталарнинг талаб ва таклиф асосида ажратилмаганлиги пировардида математика, физика, чет тили, бошланғич таълим фанлари бўйича педагог кадрлар танқислигининг юзага келганлиги далилланган;

педагогика йўналиши олий ўқув юртларининг маънавий-маърифий тадбирлар режасида асосан диний экстремизм ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи, бой тарих, ўтмиш, мерос, қадрият ва урф-одатларни тарғиб этиш мавзулари асосий ўринлардан бирини эгаллаганлиги асосланган;

таълим соҳасини ислоҳ қилишда консерватив йўналиш танланганлиги, ижтимоий ривожланиш муаммоларининг ечимини топишда янги шароитга мослашишнинг инобатга олинганлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда мустақиллик даври педагогик кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги илмий хулосалардан Ўзбекистоннинг замонавий тарихини ёзишда қўлланилиши мумкин бўлган жиҳатлари аниқланган;

Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш жараёни ҳақида маълумот берувчи 10 дан ортиқ архив фондлари ҳужжатлари илмий муомалага киритилган;

педагогик кадрлар тайёрлаш тизимининг таълим соҳасида тутган ўрни Ватан тарихшунослигида илк бор 1991-2018 йиллар доирасида тадқиқ этилиб, илмий изланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда қўйилган масалалар 1991-2018 йилларда Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилиши ва ривожланишига доир архив ҳужжатлари, жумладан, республика<sup>7</sup>, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), 26-фонд, 94-фонд, 130-фонд. Тошкент шаҳар давлат архиви, 93-фонд, 640-фонд.

жорий архиви фондларидаги ҳужжатлар, даврий матбуот материаллари<sup>8</sup> асосида ёзилгани, умумий ўрта таълим ва олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари орасида ижтимоий сўровномалар<sup>9</sup> ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўпланган маълумотлар, хулосалар, назарий умумлаштирмалар Ўзбекистонда таълим тарихига оид тарихий тадқиқот усуллари ҳамда олий таълим муассасалари тарихига доир маълумотларни бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида махсус курслар ташкил этиш, илмий-амалий лойиҳалар асосида фундаментал асарларни яратиш, шунингдек, таълим тизими ислоҳотларини амалга оширишга қаратилган давлат дастурларини бажаришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 1991-2018 йилларда Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнининг ютуқ ва муаммоларини тадқиқ этиш бўйича қўлга киритилган натижалар, илмий хулоса ва таклифлар асосида:

мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим соҳасини ислоҳ қилишда консерватив йўналиш танланиб, ижтимоий ривожланиш муаммоларининг ечимини топишда муддатини кечиктириш сиёсатининг илгари сурилиши ва янги шароитга мослашишни инобатга олиниши каби илмий натижаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 27 январдаги 89-03-499-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ислоҳотларни моҳиятини асослаб бериш имконини берган;

умумтаълим мактаблари сонининг йилдан-йилга ортиб бориши жараёнида олий таълим учун квоталарни талаб ва таклиф асосида ажратилмаганлиги пировардида математика, физика, чет тили, бошланғич таълим фанлари бўйича педагог кадрлар танқислигини келтириб чиқарганлигига оид назарий хулосалардан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг ёшларга бағишланган “Қашқадарёда таълим тизими ислоҳотларининг натижалари” кўрсатуви, “Олтин воҳа” радиосининг “Илм маърифат” радиоэшиттириши дастурий сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 25 февралдаги

---

<sup>8</sup> «Экономическое обозрение», «Халқ таълими», «Жамият ва бошқарув», «Иқтисод ва ҳисобот», «Мулоқот», «Kasb-hunar ta'limi» журналлари, «Халқ сўзи», «Правда Востока», «Маърифат», «FIDOKOR», «Андижоннома», «Зукко замондош», «Қарши университети», «Педагог», «Андижон ёшлари», «Термиз университети», «Фарғона таълими хабарлари», «Университет овози», «Самарқанд университети», «Нукус пединститутини», «Зиё чашмаси» газеталари.

<sup>9</sup> «Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлаш жараёни (1991-2018 йй.)» мавзуида сўровнома шаклдаги ижтимоий тадқиқот ўтказилди. Унда иштирок этганларнинг кўпчилигини олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ташкил қилди. Ёш таркиби бўйича эса, 40-50 (50 фоиз), 50-60 (30 фоиз) ёшдаги ходимлар, 60-70 (20 фоиз) ёшдагилар иштирок этдилар. Тадқиқотда 20 та сўровнома тарқатилган бўлиб, шундан 10 таси яроқли деб топилган. Сўровномада мавзуга оид жами 20 та савол ўрин олди.

04-15/401-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттиришларни мазмунан бойитишга, томошабинларда Ўзбекистонда таълим тизими ислохотлари ва педагогик кадрлар тайёрлаш тарихи ҳақида кенг тушунчага эга бўлишларига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 13 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 4 та халқаро конференция ва 9 та Республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Натижаларнинг нашр этилиши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда 7 та мақола, жумладан, Республика журналларида 5 та ва хорижий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 155 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблигига асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Шунингдек, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб ўтилган. Олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда мустақиллик йилларида педагогика йўналиши олий таълим муассасаларида ислохотларнинг бориши ва унинг натижаси”** деб номланган биринчи бобининг *биринчи параграфид*а Ўзбекистонда олий таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари очиб берилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимидаги модернизация жараёнлари ўз ўрнида педагогик кадрлар тайёрлаш ишини такомиллаштиришни талаб қилди. Кадрлар тайёрлаш соҳасида бир неча босқичда ислохотлар амалга оширилиб, “Таълим тўғрисида”ги Қонун уч марта (1992, 1997, 2020 йиллар) қабул қилинди. Уларнинг ҳар бири ўз даврида таълим тизимидаги муаммолар ечимига хизмат қилди.

Таълим соҳасидаги ислохотларнинг биринчи босқичи Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши билан бошланди<sup>10</sup>. Қонун асосида “Олий таълим ислохоти” дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. 1992-1993 ўқув

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Тошкент, 1992. – №9. – Б. 45-58.

йилидан бошлаб олий таълим икки поғонали ўқиш тизимига ўтказилди<sup>11</sup>. Қолаверса, Республикадаги қатор педагогика институтларига университет мақоми берилди<sup>12</sup>.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан келиб чиқиб Ўзбекистонда ҳам 1993 йил 5 февралда “Ўзбекистон Республикаси ОўЮларига абитуриентларни тест усулида танлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди<sup>13</sup>. Тест синовларининг жорий қилиниши билан олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишнинг бутунлай янги тизими шаклланди.

1992-1997 йилларда олий таълим соҳаси ислохотларининг биринчи босқичида тизим ягона концепция билан боғланмаганлиги сабабли жараёни тўла қамраб ололмади. Таълим соҳаси жамиятдаги ўзгаришлардан орқада қолди. Шу боис, “Таълим тўғрисида” Қонунни янгидан қабул қилиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

1997 йил 29 августда ислохотларнинг навбатдаги босқичига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган ҳамда ушбу соҳада кенг кўламли ўзгаришлар жараёнини бошлаб берган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинди. Таълим соҳасида бошланган ислохот олдинги давр таълим тизимидан ва ўша даврда ўтказилган ислохотлардан фарқ қилиб, узлуксиз таълим тизимига асос солишга уринишнинг бошланиши бўлди.

Янги авлодни янгича яшашга, фикрлашга янгича руҳда тарбиялашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3183-сонли “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди<sup>14</sup>. Шунга мувофиқ педагогика йўналиши олий таълим муассасаларида “Махсус сиртқи” таълим йўналиши очилди.

2017 йил ҳолатида умумтаълим мактабларида фаолият юритган 112261 нафар бошланғич таълим ўқитувчисининг 41718 нафари (37,2%) ўрта махсус маълумотли эди. Мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган жами 57974 нафар педагог ходимнинг 36305 нафари (63%) ўрта махсус маълумотли эди<sup>15</sup>. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3183-сонли қарори эълон қилинди<sup>16</sup>.

Диссертациянинг “Мустақилликнинг дастлабки йилларида педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида амалга оширилган ислохотлар” деб номланган *иккинчи параграфид*а мустақилликнинг дастлабки йилларида

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги архиви (бундан буён ЎЗР ОЎМТВА), 2653-фонд, 1-рўйхат, 6485-иш, 1-2-варақлар.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – Тошкент, 1992. – №4. – Б.60-61.

<sup>13</sup> Тюриков В., Шагулямов Р. Независимая Республика Узбекистан: Памятные события и даты (1991-1996). – Ташкент, 1997. – С.73.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. 8-сон, 106-модда

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига шарҳ // Халқ сўзи, 2017, 10 август. – №157 (6851)

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017, 32-сон, 803-модда.

Ўзбекистонда 7 та педагогика институтларида, 14 та университетда ва 30 дан ортиқ педагогика билим юртлирида ўқитувчи кадрлар тайёрланганлиги таъкидланади<sup>17</sup>.

Ўзбекистонда 1993 йили педагогика институтларида жами 19 мутахассислик бўйича олий маълумотли педагог ходимлар тайёрланиб, уларда 20 мингдан ортиқ талаба таълим олди. Шунингдек, бу даврда Республика педагогика институтларида 2360 нафар ўқитувчи меҳнат қилиб, уларнинг 60 нафари фан доктори, 325 нафари фан номзоди илмий даражасига эга эди<sup>18</sup>.

Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг таянч ОЎЮ ҳисобланган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ҳам янги ўзгаришлар кўзга ташланади. Институтининг ижтимоий-гуманитар фанлари кенгаши “Ижтимоий фанлар кенгаши” сифатида қайта тузилди<sup>19</sup>.

Кўқон давлат педагогика институтида 1991-1992 ўқув йилида 6 та факультет ва 28 та кафедра фаолият кўрсатди. 1991-1992 ўқув йилида институтида жами 5040 нафар талаба таълим олиб, уларга 345 нафар профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия берди<sup>20</sup>. Шунингдек, Жиззах давлат педагогика институтида 1994 йилга келиб 6 факультетнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида 26 миллат вакили бўлган 3 мингга яқин талаба таълим олди. Уларга 4 нафар фан доктори, 112 нафар фан номзоди, доцентлар ва юздан ортиқ тажрибали ўқитувчилар таълим берди<sup>21</sup>.

Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг жиддий муаммоси бу ўқув биноларининг етишмаслиги билан боғлиқ бўлди. Масалан, 1992-1993 ўқув йилида Навоий давлат педагогика институти ҳисобида фақат икки ўқув биноси бўлиб, уларнинг умумий майдони 10098,7 м<sup>2</sup>ни ташкил этди. Ҳар бир талабага 4,84 м<sup>2</sup> умумий майдон тўғри келди<sup>22</sup>. НДПИ ўқув комплекси, талабалар уйи ва бошқа бино қурилишлари учун Республика бюджетидан 1538000 сўм маблағ ажратилсада, аммо маблағ танқислиги туфайли институтида қурилиш ишлари тугалланмай қолди<sup>23</sup>.

Чунки Ўзбекистонда бу даврда иқтисодий қийинчиликлар ўз ўрнида таълим соҳасига давлат бюджети ҳисобидан маблағ ажратиш кўламининг ҳам қисқаришига сабаб бўлди. Масалан, Ўзбекистонда таълимга сарфланган харажатлар ЯИМга нисбатан 1992 йилда 10,2% ни ташкил қилган бўлса, 1996 йилга келиб бу кўрсаткич 7,7% ни ташкил этди<sup>24</sup>. Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси ҳам пасайиб борди. Масалан, 1990 йилда ҳар

<sup>17</sup> Эргашев Қ. Ўқитувчи тайёрлаш муаммолари // Халқ таълими. – 1996. – №3, – Б. 45-47.

<sup>18</sup> Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиклоли йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1996. – Б. 127.

<sup>19</sup> Тошкент шаҳар давлат архиви, 93-фонд, 1346-рўйхат, 3-иш, 58-варақ.

<sup>20</sup> Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 618-иш, 24-26 варақлар.

<sup>21</sup> Нишонов С., Ҳайдаров Ҳ. Жиззахнинг тўнғич олий ўқув юрти. – Жиззах, 1994. – Б.3-7

<sup>22</sup> Ўз МА, М-26-фонд, 1-рўйхат, 665-иш, 100-101-варақ.

<sup>23</sup> Ўз МА, М-26-фонд, 1-рўйхат, 665-иш, 102-варақ.

<sup>24</sup> Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон – 99. UNDP. – Тошкент, 2000. – Б. 23.

10 минг кишига 168 нафар талаба тўғри келган бўлса, 1997 йилга келиб бу кўрсаткич 72 нафарни ташкил этди<sup>25</sup>.

Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида ўқув ишлари билан бирга илмий, илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш ишлари ҳам олиб борилди. 1994 йили Халқ таълими вазирлиги тизимида 5 та ўқув ва илмий муассасаларда аспирантура мавжуд эди. Аспирантлар 6 та йўналиш бўйича тайёрланди. Низомий номидаги Тошкент ДПИда “Педагогика назарияси ва тарихи” мутахассислиги бўйича аспирантура очилди<sup>26</sup>.

Хуллас, Ўзбекистонда таълим тизимидаги, хусусан, олий таълим соҳасидаги модернизация жараёнлари ўз ўрнида педагогик кадрлар тайёрлаш ишини яхшилаш ва янгидан йўлга қўйиш заруриятини келтириб чиқарди. Давр талабидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш соҳасида бир неча босқичда ислохотлар амалга оширилди ва “Таълим тўғрисида”ги Қонун уч марта қабул қилинди (1992, 1997, 2020 йилларда). Ўз ўрнида бу таълим тизими ислохотларини уч босқичга ажратиб таҳлил этиш имконини беради. Хусусан, биринчи ва иккинчи босқичда таълимнинг жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси эканлиги эътироф этилиб, таълим тизими ва соҳа бошқарув тартиби аниқ белгилаб берилган бўлсада, аммо амалда ўз исботини топмади. Учинчи босқич энди бошланиб, амалдаги Таълим тўғрисидаги қонун ҳаётга татбиқ этиб борилмоқда.

Мустақилликнинг илк даврида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, миллий дастурни амалга ошириш жараёнининг Республика бўйича мониторинги таълим соҳасида бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди<sup>27</sup>. Булар қуйидагилардан иборат бўлди:

– айрим объектив ва субъектив омиллар таъсирида педагогика йўналиши таълим тизимида сифатга кам эътибор берилганлиги;

– педагогика институтлари ва университетларда моддий-техника базани мустақамлашда молиявий танқисликнинг мавжудлиги, ўқув биноларининг яроқсизлиги ёки мослаштирилганлиги, ўқув-лаборатория ускуналари ва жиҳозлари етишмовчилиги;

– педагог-ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш тизимининг замон талабидан орқада қолганлиги;

– кўплаб тажрибали профессор-ўқитувчилар иш ҳақининг камлиги туфайли бошқа соҳаларга ўтиб кетганлиги таълим сифатининг пасайишига олиб келганлиги кабилар.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ва маънавий-маърифий тадбирлар”** деб номланган иккинчи бобининг *биринчи параграфид*а педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишларнинг йўлга қўйилиши масаласи ўрганилади.

<sup>25</sup> Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиции в человеческий капитал, партнерство в сфере образования. – М., 1996. – С. 26.

<sup>26</sup> Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқлоли йўлида. Олий таълим. – Тошкент: Шарқ, 1996. – Б. 128.

<sup>27</sup> Комплексная среднесрочная стратегия повышения уровня жизни населения Узбекистана на 2004-2006 гг. и период 2010 года // Экономическое обозрение. – 2004. – №10. – С.18.

Ўзбекистонда умумтаълим мактаблари сонининг йилдан-йилга ортиб бориши кун тартибига педагогик кадрлар тайёрлаш муаммосини долзарб қилиб қўйди. Ўзбекистонда 1991 йили 8535 та умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатган бўлса, 2007-2008 ўқув йилида улар сони 9761 тага<sup>28</sup>, 2020 йили Республикада умумтаълим мактаблари сони 9942 тага етди. Президент мактаблари, буюк алломалар номи билан аталадиган ихтисослаштирилган мактаблар, ижод мактаблари, Темурбеклар мактаблари каби замонавий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди<sup>29</sup>. Бу жараёнлар ўз-ўзидан педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келди.

Республиканинг барча вилоятларида педагог кадрлар танқислиги кучли бўлди. Айниқса, олий маълумотли ўқитувчилар етишмади. Масалан, 2000 йил Қашқадарё вилояти таълим муассасаларига математика, физика, чет тили, бошланғич таълим фанлари бўйича 13479 нафар педагог етишмади<sup>30</sup>. “Ҳозирги пайтда умумтаълим муассасаларининг олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминланиш даражаси 87 фоизни ташкил этади. Кўплаб мактаблар, айниқса, чекка ҳудудлардаги таълим масканларида бир қатор фанлар бўйича малакали ўқитувчилар етишмаяпти. Шу муносабат билан педагог кадрлар тайёрлаш масаласи ҳамisha эътиборимиз марказида туриши зарур.” – деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев<sup>31</sup>.

Ўзбекистонда педагогика йўналиши олий таълим муассасаларига таълим олаётган талабалар сони йилдан-йилга ортиши кузатилади. Масалан, 1997-1998 ўқув йилида бу йўналишда талабалар сони 85,6 минг бўлган бўлса, 2007-2008 ўқув йилида бу кўрсаткич 162,5 минг нафарни ташкил этди<sup>32</sup>.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, педагогика йўналиши таълим муассасаларида янги тузилмалар ташкил этилди. Нукус давлат педагогика институтида ҳам йилдан-йилга факультетлар сони ортиб борди. Масалан, 1991-1992 ўқув йилида институтда 26 та кафедра, 9 та факультет фаолият кўрсатган бўлса<sup>33</sup>, 2009-2010 ўқув йилида институтда 28 та кафедра, 9 факультет фаолият кўрсатди<sup>34</sup>. 2017-2018 ўқув йилида эса 31 та кафедра, 12 та факультет фаолият кўрсатди<sup>35</sup>. 1999-2000 ўқув йилида институтда 3166 нафар, сиртки таълимда 273 нафар талаба таҳсил олиб, уларга 368 нафар профессор-ўқитувчи таълим-тарбия берди. Уларнинг 16 нафари фан доктори, 85 нафари фан номзодлари эди<sup>36</sup>.

<sup>28</sup> Образование Узбекистана. Статистический сборник, 2008. – С. 55.

<sup>29</sup> Мактаб тизимидаги камчиликлар ўрганилди, устувор вазибалар белгиланди // Халқ сўзи, 2020. 3 март. – №45 (7547)

<sup>30</sup> Қашқадарё вилоят ҳокимлиги давлат архиви, 846-фонд, 10-рўйхат, 98-иш, 14-варак.

<sup>31</sup> Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2020, 1 октябрь. – №207 (7709).

<sup>32</sup> Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2008. Статистика тўплами. – Тошкент, 2009. – Б.121.

<sup>33</sup> Эжиниез атиндағы Нокис мемлекетлик педагогикалық институтына 60 жыл. – Нокис: “Билим” баспасы, 1994. – Б.97-141

<sup>34</sup> Тунғыш жоқары билим хем илим дергайы (Эжиниез атиндағы Нокис мемлекетлик педагогикалық институтына 80 жыл). – Нокис: Qaraqalpaqstan, 2014. – Б.75.

<sup>35</sup> <https://ndpi.uz/uz/2018/10/13/450/>

<sup>36</sup> Тунғыш жоқары билим хем илим дергайы (Эжиниез атиндағы Нокис мемлекетлик педагогикалық институтына 80 жыл). – Нокис: Qaraqalpaqstan, 2014. – Б.65-75.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида 1996 йилдан бошлаб, жаҳон тажрибасини эътиборга олган ҳолда, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида давлат грантлари билан бир қаторда контракт-шартнома асосида кадрлар тайёрлаш тартиби жорий этилди. Шу боис, таълим муассасаларида контракт-шартнома асосида талабалар қабул қилиниб, педагогик кадрлар тайёрлана бошланди. Масалан, 2002-2003 ўқув йилида барча йўналишлар бўйича Фарғона давлат университетида 1708 нафар талаба қабул қилинган бўлса, уларнинг 1109 нафарини контракт-шартнома асосида ўқишга кирганлар ташкил этди<sup>37</sup>.

2000-2001 ўқув йилида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида салкам 9000 нафар талаба таҳсил олиб, уларга 824 нафар профессор-ўқитувчи сабоқ берди<sup>38</sup>. Кейинги йилларда университетда ўқитиладиган мутахассисликлар сони ортиб борди. Масалан, 2014-2015 ўқув йилида университет бакалавриат йўналишининг I босқичларида 28 номдаги ва II, III, IV босқичларида 31 номдаги таълим йўналиши, магистратуранинг I ва II босқичларида 27 номдаги мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланди. Шулардан 22 номдаги таълим йўналиши бўйича университет Республикада таянч ОТМ ҳисобланди<sup>39</sup>.

Ўзбекистонда педагогика йўналиши олий таълим муассасалари учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети асосий таянч ўқув юрти бўлганлиги боис, университет жамоаси томонидан 1998-2000 йилларда Республикадаги мавжуд педагогик йўналишдаги олий ўқув юртлари учун 25 та бакалавр ва 35 та магистратура давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари яратилди ҳамда улар педагогик йўналишдаги барча олий ўқув юртларида ўқув жараёнига татбиқ этилди<sup>40</sup>.

Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини янада ривожлантириш мақсадида дарслик, ўқув қўлланмалари ва маъруза матнлари яратишга бошқа таълим муассасаларида ҳам жиддий эътибор қаратилди. Масалан, Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари томонидан янги авлод ўқув адабиётларини яратиш йўлида қилинган ҳаракат эвазига 1500 дан ортиқ ўқув адабиётлари яратилиб, таълим жараёнига татбиқ қилинди. Университетда 2008-2016 йилларда 51 номдаги дарслик ва 710 номдаги ўқув қўлланмалар вазирлик грифи билан нашр қилинди<sup>41</sup>.

Ўқув адабиётлари яратишда Навоий давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари ҳам самарали фаолият кўрсатди 2006-2011 йиллар давомида институтда 5 та дарслик, 11 та ўқув қўлланмалар яратилди<sup>42</sup>.

Республика олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг ахборот технологиялари ва хорижий тиллар бўйича билим даражаси тестлар ёрдамида

<sup>37</sup> Фарғона давлат университети. 1 китоб. Тарих ва юксалиш йиллари (Масъул муҳаррир Х.Ш.Ташматов). – Фарғона, 2015. – Б.50.

<sup>38</sup> Тошкент шаҳар давлат архиви, 640-фонд, 4-рўйхат, 51-иш, 27-варак.

<sup>39</sup> Тошкент шаҳар давлат архиви, 640-фонд, 5-рўйхат, 581-иш, 70-варак.

<sup>40</sup> Тошкент шаҳар давлат архиви, 93-фонд, 1346-рўйхат, 3-иш, 58-варак.

<sup>41</sup> Истиқлол ва СамДУ. – Самарқанд, 2017. – Б.55.

<sup>42</sup> Navoiy davlat pedagogika instituti. – Navoiy, 2011. – Б.10-15.

аниқланганда, баъзи педагогика институтларининг бу борадаги кўрсаткичи жуда паст натижани кўрсатди. Масалан, Жиззах давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари 2017 йили Республика олий ўқув юртлари орасида ахборот коммуникацион технологиялар бўйича 53 ўринни, хорижий тиллар бўйича 38 ўринни эгаллади<sup>43</sup>.

“Педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнида маънавий-маърифий ишлар ва унинг натижалари” деб номланган *иккинчи параграфда* педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар бўйича аниқ режалар тузилиб, уни амалга ошириш учун қатор чора-тадбирлар олиб борилганлиги очиқ берилди.

Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида талаба-ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш, уларни турли хил диний оқимлар таъсири доирасига кириб қолмасликлари учун олиб борилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Талаба-ёшларни бўш вақтларини унумли ва фойдали ўтказиш, мавжуд бўшлиқни тўлдириш мақсадида, уларни кинотеатрларга, тарихий жойларга, истиқлол йилларида бунёд этилган иншоотларга саёҳатлари уюштирилди, турли хил кўрик-танловлар, олимлар, санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар билан қизиқарли учрашувлар ўтказилди<sup>44</sup>.

Кейинги йилларда ҳам педагогика йўналиши олий таълим муассасаларида “Одам савдосига қарши курашиш”, “Диний вазиятни юмшатиш”, “Гиёҳвандликни олдини олиш”, “Вояга етмаганлар билан ишлаш” ва “Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш” мавзуларига бағишланган тадбирлар олиб борилиб, бу бўйича махсус комиссиялар тузилди. 2014 йилнинг ноябрь ойида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида Республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар қонунчиликка қаратилган охириги ўзгариш ва кўшимчаларни етказиш ҳамда талаба-ёшларни турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш мақсадида Яккасарой туман ИИБ ходимлари билан қатор учрашувлар ўтказилди<sup>45</sup>.

2011-2012 ўқув йилида Фарғона давлат университетида 278 та, 2012-2013 ўқув йили давомида эса 203 та, 2013-2014 ўқув йилида 300 дан ортиқ учрашув, семинар, очиқ мулоқот, кўрик-танлов ва спорт мусобақалари ўтказилди<sup>46</sup>.

Нукус давлат педагогика институтида ҳам ўнлаб тўғарақлар, “Тўмарис” ансамбли, институт қошида ташкил этилган талабаларнинг театр студияси фаолият кўрсатди. Ижодий жамоалар фақат институт доирасидагина эмас, балки бутун Ўзбекистон бўйлаб танилди. Улар ҳар хил танловларда иштирок этиб совринли ўринларни эгаллади<sup>47</sup>.

<sup>43</sup>Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти жорий архиви. Институт Илмий Кенгашининг 2-сонли баённомаси папкасидан. 4-5 варақлар.

<sup>44</sup>Тошкент шаҳар давлат архиви, 640-фонд, 4-рўйхат, 51-иш, 28-29-варақлар.

<sup>45</sup>Тошкент шаҳар давлат архиви, 640-фонд, 5-рўйхат, 300-иш, 25-варақ

<sup>46</sup>Фарғона давлат университети жорий архиви. Университетда 2011-2012, 2012-2013, 2013-2014 ўқув йилларида амалга оширилган маънавий-маърифий ишлар тўғрисида Маълумотномалар папкасидан.

<sup>47</sup>Курамбоев Қ. Ютуқларимиз фаолликка ундайди// FIDOKOR, 2007, 5 апрель.

Республика олий таълим муассасаларида Зулфия номидаги давлат мукофоти номзодларини тайёрлаш ишлари ҳам олиб борилди. Қўқон давлат педагогика институтида 2017 йил 25 мартда “Зулфияхоним издошлари” мавзусида факультетлараро талаба-қизлар беллашуви ўтказилди. Беллашув 4 та шарт бўйича ўтказилиб, 8 та номинация бўйича талаба-қизлар иштирок этди<sup>48</sup>.

Олий таълим муассасаларида газета нашр этилиб, унинг материалларида таълим муассасаси педагогик ва талаба-ёшлар жамоасининг ҳаёти ва фаолияти, бу ерда олиб борилаётган илмий-педагогик, ижтимоий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар ёритиб борилди. Масалан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида “Педагог”, Андижон давлат университетида “Андижон ёшлари”, Фарғона давлат университетида “Фарғона таълими хабарлари”, Самарқанд давлат университетида “Самарқанд университети”, Қарши давлат университетида “Қарши университети”, Термиз давлат университетида “Термиз университети”, Гулистон давлат университетида “Университет овози”, Нукус давлат педагогика институтида “Нукус пединститути”, Қўқон давлат педагогика институтида “Зукко замондош”, Жиззах давлат педагогика институтида “Зиё чашмаси” каби газеталар нашр этилди.

Хуллас, Ўзбекистонда педагогика йўналиши олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар устувор йўналишлардан бирига айланди. Талабалар онгида сиёсий, ҳуқуқий маданият, қонунларга риоя қилиш, жавобгарлик, бурч ва ўз ҳуқуқларини тўлалигича англаб етиш, ҳукумат қарорларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш каби тушунчаларни тарбиялашга йўналтирилди.

Диссертациянинг **“Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари ва иқтидорли талабалар билан ишлаш”** деб номланган учинчи бобининг *биринчи параграфида* Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларининг йўлга қўйилиши ва илмий-педагогик кадрлар тайёрланиши масаласи тадқиқ этилади.

Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантириш тадбирлари ўз ўрнида жамият ҳаётига илмий ишланмаларнинг тобора чуқур кириб боришини таъминлаш, кадрларнинг сифат жиҳатдан ўзгаришига, таълим ва амалиётнинг интеграциясига хизмат қилди. Хусусан, олий ўқув юртларининг нуфузи асосан ундаги кадрлар илмий салоҳияти билан ҳам белгиланди.

1999-2000 ўқув йилида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети аспирантура бўлимида 156 нафар аспирантдан 115 нафари кундузги, 41 нафари сиртки бўлимда таҳсил олди. 12 нафар докторант, 10 нафар стажёр-тадқиқотчи ва 106 нафар тадқиқотчи илмий иш олиб борди. 1997-2000 ўқув йилларида 10 та докторлик, 12 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди<sup>49</sup>. Университетда 1999-2000 ўқув йили давомида 10-13 та илмий, назарий ва методик конференциялар ўтказилди<sup>50</sup>.

<sup>48</sup> Қўқон давлат педагогика институти Ёшлар билан ишлаш проректори Ойбек Бозоров билан суҳбат (2020 йил 18 сентябрь).

<sup>49</sup> Тошкент шаҳар давлат архиви, 640-фонд, 4-рўйхат, 50-иш, 26-варак.

<sup>50</sup> Тошкент шаҳар давлат архиви, 640-фонд, 4-рўйхат, 50-иш, 27-варак.

